

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ  
ПЕШКУ ТУМАНИ 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



**Бухоро-2021**

навлари танлаб олиниб мамлакатимиз ҳудудига иқлимлаштирилди. Янги навлар асосида Чиллаки, Андижон-2, Андижон-4, Бобур, Яксарт каби 50 дан ортиқ навлар яратилди ва Республикамиз ҳудудида районлаштирилди.<sup>19</sup> Кузги ва баҳорги юмшоқ буғдой янги навларини яратиш устида тажриба олиб борган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти 2014 йилда Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ва халқаро ИКАРДА ташкилоти томонидан тақдим қилинган 1000 дан ортиқ навларни ўрганиб, Крошка ва Санзар-8 навлари асосида “Жасмина” нави яратилган. Бу навнинг ўртача ҳосилдорлиги 80-100 ц/га бўлиб, бўйи 70-80 см, касалликларга чидамли, ётиб қолишга мойил эмас.<sup>20</sup> Суғориладиган ерларда кузги буғдой навларини саралаш ва минтақамиз иқлимига мос навларни танлашда турли буғдой навларини синаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида яратилган “Гром” нави совуққа чидамли, касалликларга тез чалинмайдиган, ярим пакана нави келтирилиб иқлимлаштирилган. Бу навнинг ҳосилдорлиги ўртача 64/1 ц/га бўлиб, ушбу навдан андоза олиниб маҳаллий “Таня” нави яратилган. “Грация” нави ҳам юқоридаги институт тажрибалари асосида яратилган бўлиб, ҳосилдорлиги (64/3 ц/га) юқори, ётиб қолишга чидамли, бўйи 95-100 см, Ўзбекистонда 2009 йилдан давлат нав синовидан ўткан.<sup>21</sup>

Хуллас, минтақада суғорма ва лалмикор деҳқончилик маданияти соҳасида катта тажриба орттирилган бўлиб, буғдойнинг 50 дан ортиқ, арпанинг 10 та нави, жўхорининг 50 дан ортиқ нави, тариқнинг 10 га яқин нави, сули, гуруч, зиғир, кунжут, мош, нўхат каби ўнлаб турдаги бошоқли ва донли экинлар етиштирилади. Хориждан келтирилган ва тажриба навлари сифатида яратилган донли экинлар мамлакатимиз ер майдонларида кенг далаларни эгалламоқда.

## **БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА БУХОРОДА ГЕРМАН-ТУРК ФРОНТИ УЧУН ОЛИБ БОРИЛГАН ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ**

**Орзиев М.З.**-БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Ҳайитов Р.**-БухДУ талабаси

1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланиб кетган вақтида Европа ва Шарқ мамлакатларининг катта қисми билан Россия империясининг савдо, иқтисодий муносабатлари тўхтаб қолади. Россия империясининг асосий рақиблари Германия ва Австро-Венгриядан иқтисодий жиҳатдан ортда қолганлиги тезда сезилиб, уруш империя тинкасини қуритиб, ҳарбий харажатлар, мажбуриятлари борган сари ортиб борди. Бунинг устига нафақат Туркистон ўлкаси, балки Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам Усмонли турк султони фойдасига тарғиботчилик фаолияти кучайиб, мусулмонларни мустақилликни

<sup>19</sup>Мухаммад Т. Ғаллакорларга маҳаллий навлар// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015. –Б.16.

<sup>20</sup>Ғайбуллаев Ф. ва б. Буғдойнинг истиқболли “Жасмина” нави // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015. – Б.26.

<sup>21</sup>Тиллаев Р. Грация ва Гром ғалла навлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №3. 2016. –Б.17-18.

кўлга киритишлари, бу йўлда Усмонли турк султонининг ёрдами зарурлиги билан боғлиқ тарғибот авж олди.

Усмонли турк давлати эмиссарларининг ҳам Бухорога кўплаб юборилганлиги хусусида тарихий адабиётларда фикр-мулоҳазаларни кўплаб учратиш мумкин. Аммо, Туркияда тузилган “ташкilotи махсуса” (Усмонийларнинг ташқи разведка ташкilotи-М.О.) ҳужжатлари Туркия республикаси ўрнатилгач ҳокимият тепасига келган Мустафо Камол Отатурк буйруғига асосан йўқ қилиб юборилганлиги боис аниқ фактга далиллар кам сақланиб қолинган[3, 73].

Маълумки, Усмонли турк давлати жаҳон урушига 1914 йилнинг 11 ноябрида кўшилади. Аммо, туркларнинг учлар иттифоқи томонидан туриб яқин орада урушга кириши Россия империяси маъмурларига аввалроқ аниқ бўлган деб хулоса қилишга асослар етарли. Архив ҳужжатларида таҳлили шуни кўрсатадики, Россия ички ишлар идораси томонидан Туркистон ўлкаси полиция идораси, Туркистон район кўриқлаш бўлими ва Бухородаги рус сиёсий агентлигига йўллаган махсус хатида (1914 йил 19 октябрь) Туркия ваколатхонаси вакилларининг ўзлари учун белгилаб берилган ҳудудларидан чиқмасликлари, уларни қаттиқ назоратга олиш агар лозим бўлса куч билан ушлаб туришга оид кўрсатмаси берилганлиги юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизни асослашга хизмат қилади[8].

Жаҳон уруши бошланиши Усмонли турк фуқароларининг Бухоро амирлиги ҳудудида эркин ҳаракатланишларини қийинлаштириб юборганди. Туркиядан Бухорога келаётган ва Герман-Турк fronti фойдаси учун тарғиботчилик қилаётган шахслар тезда кўлга олиниб, жазога тортилиши муқаррар бир шароитда, турк фуқаролари эндиликда форс давлати паспортлари билан кела бошлаганлар. Агентура маълумотлларида Туркия ҳукумати 15 эмиссарни (Асли Озарбайжон ҳудудидан бўлганлар, яъни форс паспорти уларнинг ўзларида мавжуд бўлган) “панисломизм” ғояларини тарғиб этиш учун юборганлиги аниқланганлиги, улар форс паспортларига эга эканлиги, полиция ва расмийларга шу паспортларни кўрсатиш орқали ўзларини жавобгарликдан олиб қочишлари, шаҳар ва қишлоқларда табиб ва азайимхон кўринишида юриб, аҳолини турк султони фойдасига моддий маблағ тўплашига, Россия империясига қарши кайфиятни шакллантириб, Герман-Турк кўшинларининг ғалабалари хусусида тарғибот ишларини амалга ошираётганликлари маълум қилинганлиги келтирилади[3, 249-250].

Россия империясининг махсус идоралари форс давлати паспорти билан Бухорода фаолият олиб бораётган Усмонли турк давлати вакиллари хусусида биринчи жаҳон уруши бошланмасдан анча илгари маълумотларга эга бўлган дейиш учун асосимиз мавжуд. Туркия урушга киргач, орадан уч кун ўтиб, Туркистон ўлкаси ҳарбий округи (ТуркВО) кўмондонлиги томонидан, яъни, 14 ноябрь 1914 йил Туркистон ўлкаси ҳарбий губернаторларига шу жумладан Бухородаги сиёсий агентликка йўллаган мактубида жойларда форс паспорти

билан ишлаётган Усмонли турк фуқароларидан эҳтиёт бўлишга, уларни аниқлаш ва империя ҳудудидан чиқариб юбориш кўрсатмаси берилган[7, 29].

Бухорода урушга Учлар Иттифоқи томонидан тортилган мусулмон давлатларидан бири, Усмонли туркия давлатини моддий қўллаб-қувватлаш ҳаракатлари амалда содир бўлди[9]. Ушбу фикрни давом эттириб шуни таъкидлаш лозимки, 1914 йилнинг ўзидаёқ Герман-Турк fronti фойдасига моддий ёрдам кўрсатиш кампанияси бошланиб кетиб, уни кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари бошлаб берганлар дейишга барча асослар мавжуд. Бухоронинг энг кўзга кўринган жамоат арбобларидан бири бўлган Абдурауф Фитрат урушга Усмонли турк давлати қўшилгандан сўнг, Бухорода ўзи раҳбарлик қиладиган ҳаваскорлар театрида томошалар ташкил этган ва тўпланган пулларни урушида жабр кўрган турк оилаларга жўнатган. Бунинг учун Бухоро амирлиги кушбегисидан мукофот ҳам олганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин[6, 96].

Бухоро амирлигининг Россия империясига қарамлиги сабабли амир ҳукумати Россия империясига қарши очикдан-очик қарши чиқа олмасди. Ҳатто, уруши бошланиши билан Туркистон, Хива ва Бухорода расмий вакиллар, диний етакчилар ва жамоат арбобларининг урушда Россия империясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида баландпарвоз чақириқлар бўлса-да, аҳолининг кенг қатламлари орасида хусусан Бухорода Усмоний турклар давлатига жўнатиш учун фаол маблағ тўплаш бошланиб кетган[4, 62].

Урушда ёлғон маълумот (дезинформация) тарқатиш усуллари кенг қўлланилган. Бу айниқса, Россияга қарам бўлган мусулмон ўлкаларда катта таъсир кўрсатган. Турк-Герман-Австрия тарғиботчилари айнан мана шу восита орқали ғарбий фронтдаги жанг майдонларида Россия армияси ва унинг жанглардаги мағлубияти ҳақида керагидан ортиқча гап тарқата бошлайдилар. Жосуслардан М.Б ва С.К. (Тарихий адабиётларда уларнинг номини аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги қайд этилади) лар ҳаждан қайтиб келаётган ҳожилар орқали сохта маълумот тарқатиш билан шуғулланганлар. Махфий полиция маълумотларда 1915 йил ҳаждан қайтиб келаётганлар орасида юқорида номлари зикр қилинган жосуслар Усмонли турк султонининг Афғонистон, Хива ва Бухоро ҳукумдорларидан кофирлар (Россия империяси)га қарши урушга кирмаганлигидан қаттиқ хафа эканлиги ҳақидаги маълумотларни тарқатганликларини аниқлаган[2, 30].

Усмонли турк давлати вакиллари, жосуслари кўп ҳолларда ўзларининг иттифокчилари бўлган немислар ва австрийларни Туркистон, Афғонистон, Бухоро ҳудудларидаги фаолиятлари ва унинг натижалари билан таништиришни истамаганлар. Германиянинг Усмонли турк давлатидаги ҳарбий разведкаси бошлиғи Вальтер Николай ўз хотираларда туркларнинг Туркистон, Афғонистон ва Бухородаги фаолиятларини ўз ишлари деб билишлари ва немисларни бу хусусда доим ҳам огоҳлантирмаганликларини ёзиб қолдирган[3, 72].

Туркистон ўлкаси ҳарбий округида Афғонистон ва Бухоро амирлигининг тезда Герман-Турк fronti фойдасига урушга киришини таъминлашга

қаратилган яна бир ёлғон хабар аниқланган. Унга кўра, (14 май 1915 йил) Германия кўшинлари томонидан Англия қақшатқич зарбага учраганлиги, Ҳиндистон кўшинлари тор-мор этилганлиги, Бомбей ва Дехлини немис армияси истило қилганлигига оид ёлғон хабар тарқатилган [2, 31].

Тарғиботчиларнинг яна бир вазифаси маҳаллий аҳолидан Герман-Турк кўшинлари учун моддий ёрдам олиш, аҳолидан иона тўплаш бўлиб, уруш бошлангач, уларнинг Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлигига кириб келиши кучайиб кетади. Мисол тариқасида Усмонли турк фуқаролари Ҳусайн ва Абдулла Иброҳимовларни келтириб ўтишимиз мумкин. Термиз ҳарбий полиция бошлиғининг Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агентлигига 1914 йил 7 июлда (биринчи жаҳон уруши бошланишидан биров муддат аввал) 62-рақамли ахборотида 28 май куни Патта Ҳисорда полиция томонидан Туркия фуқаролари Ҳусайн ва Абдулла Иброҳимовлар қўлга олинади. Улар Мадинадан Бомбейга ва ундан Кобул, кейин Термиз орқали Туркияга кетмоқчи бўлганликлари аниқланган. Ўзлари берган ахборотга кўра улар Бомбей ва Қобулда от савдоси билан шуғулланганлар ва яхши даромад қилганлар. Ўзларини Мадина шарифи (ҳокими)нинг ўғиллари сифатида таништирганлар. Айғоқчилик маълумотларида эса, улар Бомбей ва Кобулда Туркия ҳарбий ҳаво кучлари учун хайрия маблағларини тўплаганлари ёзилган. Патта Ҳисорда (ҳозирги Термиз шаҳри) улар Тўхтамишбекнинг уйида тўхтайдилар. Бу ерда чет элликларнинг туриши таъқиқланган бўлсада улар бу қоидага амал қилмайди. Тўхтамишбек уларни уч кун яшириб туради. Уч кундан сўнг полиция Эски Термиздан улар топилиб қўлга олинганлиги хабар қилинади[10]. Улар қўлга олинган вақтда тинтув ўтказилади ва ёнларидан 12 та Британия тилла тангаси, 142 рубль, 2 та Бухоро олтин тангаси, 2 рубль 85 коопейк кумуш. Шунингдек, буюмларидан 2 та хуржун, кийимлари, 3 та гилам, 2 та ёстик, 2 та кўрпа (одеял), 1 та эчки териси, 1 та эски палос, 2 та авғон паспорти чиққан[11]. Маълумотлар юборилиши билан бирга Термиз полиция бошлиғи Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агенти раҳбариятидан бундан сўнг қандай йўл тутишни сўрайди. Олиб борилган тергов ҳаракатлари ва турли ташкилотларнинг аралашуви натижасида юқорида номлари қайд этилган Усмонли турк фуқаролари 22 июль кунида Закаспий вилояти Краснаводск порти орқали Туркияга чиқиб кетишлари учун мажбуран юборилганликларини архив ҳужжатлари тасдиқлайди[12].

Биринчи жаҳон урушининг чўзилиб кетиши, манёврли уруш ҳаракатлари, урушаётган давлатларнинг тинкасини қуритди. Шу сабабли ички мувозанатни издан чиқариш орқали рақиб давлатни енгиш, унинг итоатида бўлган фуқароларни давлатга қарши кўзғатиш масаласи кун тартибига чиқади. Туркистон ўлкаси ушбу режага мос келадиган ҳудуд бўлиб, 1916 йилги маълумотларда Герман-Турк иттифоқининг барча ерда, хусусан, Хива ва Бухорога тарғибот учун Афғонистон чегаралари орқали немис-турк тарғиботчилари тарғибот ишларини авж олдирганлар[4, 93].

Тарғиботчилар асоан Эрон, Афғонистон ва Ҳатто Хитой орқали кириб келган ҳолатлари ҳам аниқланган. Масалан, 1916 йил 9 март куни Пекиндаги

Рус ваколатхонаси вакили Н.В. Крупенский (1868-1945 йй) маълумотда немисларни Туркистонга экспедиция жўнатилаётганлиги, унинг таркибида 1 нафар офицер, 1 нафар врач, 4 нафар афғон, бир нечта турк фуқаролари мавжудлиги, уларни немислар паспортлар билан таъминлаганлиги, экспедиция аъзолари орасида Бухоро амирининг қариндоши Ҳамза афанди ҳам борлиги, унинг ёши элликлар атрофида эканлиги, 5,5 фут (152,4 см) бўйи бўлиб, озгин кўзи қисик эканлиги, йўлда Туркистон ўлкаси аҳолиси орасида тарқатиш учун Германия томонидан тўпланган қуролларни олганлиги, 5 февралда Ланчжоуга келганлари ва кейин Сучжоуга қараб йўлга тушганликларини маълум қилган. Рус сиёсий доиралари ушбу маълумотни ўрганиш учун Бухородаги рус сиёсий агентлигини жалб этадилар. Агентликнинг жавоб мактуби мазмунида Ҳамза афанди ва унинг амир билан боғлиқ жиҳатлари хусусида аниқ маълумотлар мавжуд эмаслиги келтириб ўтилган[3, 157-159].

Герман-Турк иттифоқи тарғиботи охир-оқибат Бухоро амирлигида Россия империясига қарши ташкилот, яширин иттифоқ, сиёсий гуруҳларнинг тузилишига олиб келган. Масалан, махфий полициянинг берган ахборотларидан бирида Россияга қарши Бухоро амирлиги ҳудудида йирик гуруҳ вужудга келганлиги, унга Бухоронинг эътиборли кишилари жалб қилингани, йирик савдогарлар, амалдорлар, жамоат арбоблари, диний уламолар кирганлиги, уларнинг етакчилари амирликнинг олий шаърий судья (қозикалон)си, йирик бой Тўракулбой, Карки беги (амир Олимхоннинг тоғаси) Ақромхонларнинг номлари аниқланган. Гуруҳнинг режасига кўра, Россияга қарши курашда Усмонли турк давлати ва Афғонистон ёрдамига таяниш, русларни аввал Бухородан сўнг Туркистон ўлкасидан қувиб чиқариш кўзда тутилган[1, 61].

Афғонистон орқали Герман-Турк эмиссарларининг Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлиги ҳудудига кириб келиши биринчи жаҳон уруши йилларида тинимсиз ортиб борди. Ҳатто, Россия империяси маъмурларини бу ҳолат ташвишга солиб, Эрон ва Афғонистон орқали Герман-Турк аскарларининг ҳужумлари содир бўлиш эҳтимоли мавжудлиги инкор этиб бўлмас ҳолатлиги тан олинган. Ушбу масала ечими сифатида 1915 йил Россия империяси томонидан Хуросон (Эрон давлатининг шимолий-шарқий қисми) ҳудудига махсус ҳарбий отряд юбориган ва Герман-Турк эмиссарлари фаолиятини чеклашга ҳаракат қилганлигини кўриш мумкин[3, 71].

Урушнинг чўзилиб кетиши, иқтисодий ва ҳарбий-техник жиҳатдан ортда қолган Россия империясининг мағлубиятлари натижасида фронт орти вазифаларини бажаришда маҳаллий миллатларидан жалб қилишни кун тартибига кўяди. Натижада, 1916 йилда бутун Туркистон ўлкасида мардикорликка қарши кўтарилган кўзғолонлар содир бўлганди. Бу Бухоро амирлиги аҳолисига умуман аҳамиятсиз бўлсада, аҳоли ўз диндош ва миллатдошларига нисбатан ҳамдардлик, биродарлик туйғулари орқали уларнинг чиқишларини қўллаб-қувватлаганликларини Когонда жойлашган рус

сиёсий айғоқчилигининг 1916 йил 318-рақамли телеграммасида келтириб ўтилган[4, 79].

Туркистонда мардикорликка олиш масаласида кўтарилган исёнларда Бухоро амирлиги аҳолиси бефарқ қараб турмаган ва улар орасида тез орада диний ва миллий бирлашиш жараёнлари хусусида умумий иттифоқ хусусида тарғибот ишлари амалга оширилган. Натижада, Туркистон ўлкасига яқин ва чегарадош давлат бўлган Афғонистондан ёрдам олиш масаласи кўтарилди. Тошкентдаги тўрт даҳа қозилар Афғонистон амири Ҳабибуллахонга мактуб йўллаб, уни Герман-Турк блоки томонидан туриб урушга киришишга ва Россия-Англия давлатларига қарши биргаликда курашишга чақирганлар[6, 109]. Россия махфий полицияси таъқиби натижасида қозилар томонидан ёзилган мактуб 1916 йил 8 июль кунда Бухоро шаҳридаги китобфуруш Саид Неъматилла Ҳожиев дўконидан тафтиш ўтказиш вақтида топилади[5, 19].

Бухоро амирлиги ва Россия империясига доимий душман кайфиятда бўлган бекликлар, жумладан Шаҳризабс, Ғузур ва бошқа аҳоли орасида катта таъсир кучига эга уламолар, амалдорлар ва беклар доимий қатъий назорат остига олинганлар. Архив ҳужжатларида Бухоро амирлиги Ғузур ва Шаҳризабз бекликларида мустамлакачиларга қарши кайфият уруши даврида айниқса, кучайиб, бекликларга турк эмиссарлари кўплаб келганлиги қайд этилади. Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан 1917 йилнинг 17 ноябрида Бухородаги рус сиёсий агентлигига йўллаган махфий мактубда: “Турк султони томонидан тарғибот учун юборилган муллалар ҳақида, уларнинг Ғузур, Шаҳризабзга ўтганлиги билан боғлиқ маълумотлар Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори томонидан огоҳлантирилган. Сиз ва Бухоро ҳукумати бу борада қандай чоралар кўрдингиз[13]”-мазмунидан саволномага жавоб сўралганлиги юқорида келтириб ўтган фикримизнинг далили бўлиб ҳисобланади.

Герман-Турк иттифоқи фойдасига Бухоро амирлигидаги тарғибот ишларини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин. Биринчидан, маҳаллий йўналишдаги тарғибот ишлари бўлиб, бу ерда биз давлат, жамоат арбобларининг миллий мустақиллик, озодлик келтириш шарти сифатида Герман-Турк блокнинг ғалабасини таъминлашга бўлган уринишларини кўришимиз мумкин. Иккинчи бир йўналиш, Герман-Турк эмиссарларининг фаолияти масаласи бўлиб, улар асосан биринчи йўналишдаги гуруҳларнинг қўллаб-қувватлашига таяниб иш кўрганлар. Биринчи жаҳон уруши йилларида олиб борилган тарғибот ишларининг амалий натижалари етарли даражада бўлмай, биз таъкидлаб ўтган икки йўналиш ва кайфиятдаги шахсларнинг ўзаро ишончсизлиги бунинг асосий омили бўлди деб айтиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Броздин С.С. Пробуждение Бухары: Бухарский эмират в кон. XIX – нач. XX века// Karageniz sosial Bilimler dergisi №4 2014. - С. 47-63.
2. Васильев А.Д. “Знамя и меч от падишаха”. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи

(середина XVI – начало XX вв). – М. : институт востоковедение РАН, ПРОБЕЛ – 2000. 2014. – 356 с.

3. Восстание 1916 года в Туркестане: документальные свидетельства общей трагедии: Сб. док.и материалов МГУ им. М.В. Ломоносова, Ин-т всеобщ. истории РАН; [сост., авт. предисл., вступ. ст. и коммент. Т.В. Котюкова]. – М.: Маржани, 2016. – 468 с.

4. Восстания 1916 г. В Азиатской России: Неизвестное об известном (к 100 – летию высочайшего повеления 25 июня 1916г.):[коллективная монография] / [ред. – сост.: Т.В. Котюкова]. – М.: Русский импульс, 2017. –528 с.

5. Орзиев М. XX аср бошларида Россия – Афғонистон ўртасидаги муносабатлар тарихидан //Тамаддун нури. Илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнал. 2020. № 1. – Б. 18-21.

6. Рахмонкулова З. XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ва усмонли турк империяси ўртасидаги муносабатлар тарихшунослиги/Тарих фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертациясини олиш бўйича диссертацияси. – Т.: 2020. – 139 б.

7. Салиев А.А. Противостояние России и Османской империи в Средней Азии в XIX – начале XX вв.// Вестник КРСУ. 2017. №4. – С. 27-32.

8. ЎМА, И-1-фон, 32-рўйхат, 300-йиғма жилд, 1-варақ.

9. ЎзРМДА И-3 фонд, 2 – рўйхат, 166 – хужжат, 89 – варақ.

10. ЎМА, И-3-фон, 1-рўйхат, 651-йиғма жилд, 2-варақ.

11. ЎМА, И-3-фон, 1-рўйхат, 651-йиғма жилд, 5-варақ.

12. ЎМА, И-3-фон, 1-рўйхат, 651-йиғма жилд, 8-варақ

13. ЎМА И – 3 фонд, 2 – рўйхат, 166 – хужжат, 86 – варақ.

## **ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАСБИЙ-АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**А.Т.Гулбоев - БухДУ педагогика кафедраси доценти**

Ахлоқ-одоб - бу жамиятда, кишилар ўртасида кундалик турмушда зарур булган хатти-харакатлар, урф-одатлар нормалари, қоидаларидир. Барча норма ва қоидаларини кишилар томонидан адо этилишини назорат этиш ва тартибга солиш ижтимоий, юридик асосда таъминланади. Ахлоқ - одоб қоидалари ва нормалари хар бир халкнинг кадриятларида мухим урин эгалайди. Унда уша халкнинг турмуш тарзи маданий савияси, анъаналари гурухи, дини ифодаланади, акс этади. Шунинг учун ахлоқ-одоб қоидалари ва нормалари уша халкнинг битмас тугалмас маънавий бойлиги хисобланади ва миллат даражасида шаклланганлик даражаси деб каралади. Ахлоқ-одоб норма ва қоидалари жамият тараккиети билан ривожланиб, узгариб боради. Бунда кардош халклар, минтакада яшовчи халклар, миллатлар урф-одатлари бир-бирига